

## МАМЛАКАТ ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Рахимов Ҳасан Шукуржонович

и.ф.ф.д., (Phd)

University of Business and Science, "Менежмент" кафедраси в.б. доценти

[hasanboyrahimov1990@gmail.com](mailto:hasanboyrahimov1990@gmail.com)

+99897 440 77 44

**Аннотация:** Мазкур мақолада мамлакат транспорт инфратузилмасининг иқтисодий самарадорлигини оширишининг назарий асослари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** траспорт тизими, транспорт инфратузилмаси, самарадорлик кўрсаткичлар, ички ва ташқи омиллар, инфратузилма элементлари, логистика, темир йўл транспорт тизими.

**Кириш.** Жаҳон иқтисодиётининг динамик ривожланиши ва халқаро интеграция жараёнида транспорт комплекси ва инфратузилмасини ривожлантириш беқиёс аҳамиятга эга. Жаҳон банки маълумотларига кўра, “жаҳон транспорт хизматларининг миқдори 4,3 трлн. АҚШ долларни ташкил этиб, йилига 110 млрд. тонна юк ва 1 трлн. дан ортиқ йўловчилар ташилмоқда, транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 млн. кишини ташкил этмоқда”<sup>72</sup>. Бугунги кунда муҳим лойиҳалардан бири «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашга қаратилган ҳаракатлар ҳисобланади. Мазкур йўналишда биргина Хитой томонидан «Бир камар, бир йўл» глобал транспорт коридорларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш учун дастлабки босқичда 900 млрд. АҚШ долларидан зиёд миқдордаги маблағ режалаштирилган. Шу жиҳатдан жаҳон миқёсида транспорт тизимлари ва инфратузилмасини жадал ва мувофиқлаштирилган ҳолда ривожлантиришга долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқли равища транспорт ишлаб чиқариш соҳасининг зарур шарти бўлиб ҳисобланади – хом ашё ресурсларисиз муваффақиятли ривожланиши мумкин, аммо асосий таркибий қисми транспорт инфратузилмаси бўлган транспорт мажмуисиз унинг ижтимоий-иқтисодий тараққий этишини тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатда транспорт оқимларининг мавжудлиги ривожланган транспорт инфратузилмасини қўзда тутиб, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда уларнинг ривожланишини тўлиқ ҳажмда таъминлаш имкониятини беради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мамлакат инфратузилмаси мажмуининг бир қисми сифатида транспорт инфратузилмаси маълум омиллар, шарт-шароитлар ҳамда ҳудуд хусусиятларига боғлиқ бўлган муайян вазифалар ва функцияларни бажариб боради. А.Б.Максимовнинг бу борада билдирган фикрини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. У ўзининг

<sup>72</sup> The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>.

ишида транспорт инфратузилмасининг қуидаги асосий функцияларини кўрсатиб беради<sup>73</sup>:

- мамлакат иқтисодиётини транспорт йўллари билан таъминлаш;
- иқтисодиёт субъектларининг транспорт объектларига бўлган эҳтиёжини қондириш;
- мамлакат транспорт тармоғини шакллантириш;
- турли транспорт турлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;
- мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини юксалтириш.

Ўз навбатида И.А.Семина ва В.А.Кустов транспорт инфратузил-масининг ҳудудий тизимлардаги қуидаги вазифаларини ажратиб кўрсатадилар. Биринчидан, транспорт – бу ҳудудий хусусиятлар индикатори ва мамлакат ижтимоий-иктисодий сифатининг асосий таркиби қисми. Иккинчидан, транспорт алоқалар тақсимловчи ва мувофиқлаштирувчи ҳисобланади, натижада, операцион макон чекловчи, бошқача айтганда, “худудларни туташтирувчи”, яъни “транспорт хабни ҳосил қилувчи” каби вазифаларни келтириб ўтган<sup>74</sup>.

Бизнинг фикримизча транспорт инфратузилмасининг обьекти - технологик мажмуа ҳисобланади ва қуидагилар асосий таркиби: темир йўл ва автомобиль вокзаллари, станциялари; метрополитенлар; тоннеллар, эстакадалар, кўприклар; дengiz терминаллари, дengiz портлари акваториялари; портлар; аэроромлар, аэропортлар, транспорт воситалари харакатини боғлаш, навигациялаш ва бошқариш тизимлари, автомобиль йўллари, темир йўллар ва ички сув йўллари участкалари, вертодромлар, кўниш майдонлари, шунингдек транспорт мажмуининг ривожланишини таъминлайдиган бошқа бинолар, иншоотлар, қурилмалар ва ускуналар ҳисобланади.

Транспорт инфратузилмасининг обьект сифатидаги тўлиқ тавсифини бериш мазкур тушунча кенг қамровлилиги сабабли бир мунча мураккаб, бунда транспорт инфратузилмасининг асосий обьектлари, яъни иқтисодий тизимни муваффақиятли ривожлантириш мақсадида транспорт-иктисодий алоқаларининг амалга оширилишини таъминлайдиган автомобиль, темир йўл, сув ва ҳаво қатнов йўллари кабилар ҳисобланади.

Транспорт инфратузилмаси ўзини мамлакат инфратузилмаси мажмуининг бошқа турларидан ажратиб турадиган бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур соҳа билан шуғулланадиган аксарият иқтисодчилар транспорт инфратузилмасининг асосий хусусияти обьектларнинг тармоқли жойлашишини кўрсатиб, ишлаб чиқаришнинг жойлаштирилганлиги ва жойлаштирилиш тизими билан ўзаро боғлиқлигини келтириб чиқаради, шу сабабли мамлакат инфратузилмасининг бу тури, бошқа турларидан фарқли равишда, кўпроқ ҳудудий ўзига хослиги билан ажралиб туради. Транспорт фаолиятининг

<sup>73</sup> Максимов, А. Б. Транспортная инфраструктура регионов. / А. Б. Максимов // Известия ИГЭА. - 2007. - №1. - С. 30-33.

<sup>74</sup> Семина, И.А., Кустов, М.В. Транспорт в территориальной социально-экологической системе. / И.А. Семина, М.В. Кустов // Актуальные проблемы географии и геоэкологии. - 2009. - № 2. - С. 13-20

ижобийлиги муайян даражада ишлаб чиқаришнинг тўпланиши, тармоқнинг ўзлаштирилганлик даражасини, унинг салоҳиятини, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланганлик даражасини тавсифлаб беради<sup>75</sup>.

А.Б.Тумхўжаев<sup>76</sup> фикрига кўра, транспорт инфратузилмаси "... бозор ёки бозор иқтисодиётининг бутун инфратузилмаси таркибий элементи бўлиб, нафақат ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳанинг фаолият юритиши, балки барча турдаги бозорлар ишлашининг ҳам иложи йўқ, бунда мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши умуман олганда, тўғридан-тўғри транспорт инфратузилмаси обьектлари ва элементлари тараққий этганлик даражаси билан боғлиқ...".

**Таҳлил натижалари.** Шундай қилиб, транспорт – минтақаларнинг инфратузилмасини ташкил этиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самарадорлигини белгилаб берадиган асосий омиллардан ҳисобланади. Бугунги кунда транспорт инфратузилмасини бир томондан халқ хўжалигининг бир қисми, бошқа томондан йирик кўп тармоқли тузилма ҳамда транспорт мажмуасининг асосий қисми сифатида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Мазкур ёндашувларга асосланиб, бизнинг фикримизча, транспорт инфратузилмаси таркибиаги қўйидаги хар хил турдаги транспорт алоқаларини киритиш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Транспорт инфратузилмаси таркибиаги транспорт алоқалари<sup>77</sup>

<sup>75</sup> Халтурин, Р. Развитие транспортной инфраструктуры: проблемы и возможности / Р. Халтурин // Вестник Института экономики Российской академии наук - №6 - 2012. – С. 21-26.

<sup>76</sup> Тумхаджиев, А. Б. Формирование и развитие региональной транспортной инфраструктуры (на материалах Чеченской Республики) // автореф... канд. экон. наук: 08.00.05 / А. Б. Тумхаджиев - Грозный – 2012

<sup>77</sup> Манба: Олиб борилган тадикотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Транспорт инфратузилмаси таркибидаги транспорт алоқалариға асосланиб, транспорт инфратузилмасининг асосий элементлариға ҳар хил транспорт турларининг таркибий қисмлари ва бўғинлари, шунингдек ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасининг етказиб берувчилардан истеъмолчиларга юкларни етказиш билан шуғулланувчи бошқа хизмат кўрсатувчи соҳаларни ҳам қўшган ҳолда киритиш мақсадга мувофиқ (2-расм).



## 2-расм. Транспорт инфратузилмасининг асосий элементлари<sup>78</sup>.

Мамлакатимиз ва хориж тажрибаларини таҳлил қилиш натижасида фикримизча, транспорт-логистика инфратузилмаси ўзига хос функционал ва тармоқ хусусиятига бўлинади ҳамда уларни қуидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ (3-расм).

Мамлакатда самарали фаолият кўрсатаётган транспорт инфратузилмаси аҳоли ва ишлаб чиқаришни жалб қилишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда муҳим устунлик беради ва синергетик самарага эришиш имкониятини беради. Транспорт таркибий қисми ижтимоий-иқтисодий тараққий этиш даражаси турлича бўлган худудларни ўзаро боғлаб туриш билан бирга, кўплаб шаҳарлар, иқтисодий марказлар ва ареалларнинг ноқулай ва географик жиҳатдан узоқда жойлашганлиги билан боғлиқ баъзи камчиликларни олдини олиб, янги ресурслар ва худудлар ўзлаштирилишини рағбатлантиради, давлат иқтисодий маконида янги ўсиш қутбларини шакллантириб, эскиларини қайта тиклади.

Транспорт-логистика инфратузилмаси таснифига кўшимча равища умумий транспорт инфратузилмасининг асосий таснифланиши хизмат кўрсатиш,

<sup>78</sup> Манба: Олиб борилган тадиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


макон ва мулкчилик белгиларига кўра қуидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ (3-расм):



### 3-расм. Транспорт-логистика инфратузилмаси таснифи<sup>79</sup>.

1. Хизмат кўрсатиш белгисига кўра:
  - универсал турдаги умумбозор инфратузилмаси (бир неча минтақавий бозорларга хизмат кўрсатади, масалан магистрал транспорт);
  - алоҳида минтақавий бозорларга хизмат кўрсатувчи (етказиб бериш транспорти).
2. Макон белгисига кўра:
  - маҳаллий;
  - минтақавий;
  - миллий;
  - халқаро.
3. Мулкчилик шаклига кўра:
  - давлат мулки шаклидаги;
  - хусусий мулк шаклидаги;
  - жамоат ташкилотларининг мулки шаклидаги;
  - чет эллик мулқдорларга тегишли;
  - аралаш мулк шаклидаги.

<sup>79</sup> Олиб борилган тадиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



#### 4-расм. Транспорт инфратузилмасининг умумий таснифи<sup>80</sup>

Макон хусусияти нуқтаи назардан қараганда транспорт инфратузилмаси корхона ва ташкилотлари аҳоли ҳамда транспорт корхоналарининг хўжалик муҳитини ташкил этган ҳолда, моддий ва молиявий оқимлар, тармоқ тизимларини шакллантиради. “Ушбу тармоқ элементлари орасидаги муносабатлар аниқ тор йўналиши хусусиятга эга бўлганлиги учун, тармоқдан бир ёки бир неча бўғинларнинг тушиб қолиши “изакоста” вазиятини келтириб чиқаради, натижада унинг оқибатларини бартараф этиш тармоқнинг асосий қисмини қайта қуришни талаб қиласди”. Шу нуқтаи назардан, мазкур вазиятни олдини олиш мамлакатнинг нафақат транспорт комплекси, балки умуман иқтисодиётининг барқарор фаолияти юритишини таъминлашда муҳим ўринга эгалигини кўрсатиб беради.

<sup>80</sup> Манба: Олиб борилган тадиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бунда транспорт инфратузилмаси натижавийлигининг асосий мезонлари бўлиб моддий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳалари ва аҳолининг транспорт эҳтиёжларини тезкор ва сифатли қондириш, шунингдек минтақалар, ҳамда умуман мамлакат транспорт инфратузилмасидаги "тор жойлар" ва узилишларни бартараф этиш имкониятини беради.

Қайд этиш лозимки, мамлакат транспорт инфратузилмасининг иқтисодий категория сифатидаги ягона таъриф шаклланмаган. Транспорт иқтисодиёти фанида "транспорт инфратузилмаси" тушунчаси таърифига аниқлик киритишнинг уч асосий методологик ёндашув мавжуд –тармоқли, функционал ва қийматли. Биринчи ёндашув доирасида транспорт инфратузилмаси деганда ташиш жараёнининг тез ва тўсиқсиз бажарилишини таъминлайдиган, мамлакат муҳандислик-техник инфратузилмасининг кўринишларидан бири бўлган технологик мажмуа тушунилади.

Л.Г.Серебряков ва В.В.Яновский<sup>81</sup>лар транспорт инфратузилмаси деганда "юклар ва йўловчиларнинг ташилишини таъминлаб берадиган транспорт коммуникациялари ва қурилмалари мажмуини ўз таркибида олган, муҳандислик инфратузилмасининг бир қисмини" тушунадилар. Иккинчи ёндашув доирасида транспорт инфратузилмаси ташиш жараёнининг тўсиқсиз ва тез бажарилиши учун шароитларни таъминлаш бўйича маълум функциялар йиғиндиси сифатида тушунилади<sup>82</sup>. Учинчи ёндашув доирасида эса транспорт инфратузилмаси – бу минтақавий инфратузилмавий капиталнинг бир тури.

Мисол учун, Ю.Н.Гольская минтақавий транспорт инфратузилмаси остида минтақавий транспорт инфратузилма капиталини, яъни "транспорт инфратузилмасининг минтақага нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-иқтисодий кўринишга эга бўлган фойда келтиришида намоён бўладиган ва унинг амалга оширилишидан синергетик самара келтириб чиқарадиган ўзига хос ижтимоий характерга эга бўлган капиталнинг муайян бир тури" деб тушунишга мойиллик беради<sup>83</sup>.

Фикримизча, "транспорт инфратузилмаси" тушунчасига аниқлик киритиш учун тармоқ, функционал ва қийматли каби уч ёндашув бирикмасидан самаралироқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан, биринчидан, инфратузилма, биринчи навбатда, муайян, шу жумладан ташкилий (минтақа функционал элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни рўёбга чиқариш), ишлаб чиқариш ва ижтимоий (юклар ва йўловчиларни тез ва тўсиқсиз ташиш жараёнлари бажарилиши учун шароитларни таъминлаш) функцияларнинг амалга оширилишни таъминлашга қаратилган. Транспорт инфратузилмасининг ўзига хос моҳиятидан келиб чиқадиган бош қўшма

<sup>81</sup> Серебряков, Л.Г. Проблемы стратегического планирования транспортной инфраструктуры региона - инновационный подход / Л. Г. Серебряков, В. В. Яновский //Научные труды Северо-Западной академии государственной службы / Сев.-Зап. акад. гос. службы. - СПб., 2011. - Т. 2, вып. 1: Государственная власть и местное самоуправление в России: история и современность. - С. 206-215.

<sup>82</sup> Иванова, Н.А. Теоретические аспекты понятия инфраструктуры региона / Н. А. Иванова // Современные научно-исследовательские технологии. Региональное приложение. - № 4 (32) – 2012. – С. 29-34.

<sup>83</sup> Гольская, Ю. Н. Оценка влияния транспортной инфраструктуры на социально-экономическое развитие региона / Ю. Н. Гольская // автореф... канд. экон. наук: 08.00.05 - Екатеринбург - 2013.

функцияси ички ва мамлакатларо транспорт-иқтисодий алоқаларни амалга оширишдан иборат.

Иккинчидан, транспорт иқтисодиёти фани транспорт бозорида маълум бир тизим ҳосил қилувчи омили ва универсал қўрсаткичи сифатида кўриб, транспорт инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантиришни эса инвестицияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан мамлакат иқтисодиётининг энг катта фонд талаб қиласидиган ва асосий секторларидан бир бўлиб, қиймат омили транспорт инфратузилмаси ривожининг самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи ўрин тутади. Транспорт инфратузилмаси қийматининг барча омилларини экзоген (базавий) ва эндоген турларга ажратиш мумкин.


Инфратузилманинг ушбу тури зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириши билан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита улуш қўшади. Шу билан бирга, транспорт инфратузилмасига киритиладиган, инвестиция қилинадиган капитал ҳажми тўғридан-тўғри мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларига боғлиқ бўлади<sup>84</sup>.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, фикримизча, минтақа транспорт инфратузилмаси деганда инфратузилма мажмуининг транспорт инфратузилмасининг минтақанинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш ва ўз зиммасига юкланган, транспорт-иқтисодий алоқаларни амалга ошириш воситасида унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шароитлар яратиш имкониятларида ифодаланадиган ўзига ҳосил қилувчи характерга эга бўлган алоҳида бир турини англаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу изоҳ транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва мамлакат транспорт-иқтисодий алоқаларни амалга оширишдаги эҳтиёжларига мувофиқлигини чукурроқ ўрганиш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, транспорт инфратузилмасининг ривожланиш даражаси ва функционал хусусиятлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий манфаатлардан келиб чиқиб, турли-туман омиллар таъсирида аниқланади.

Шундай қилиб, муайян ҳудуд транспорт инфратузилмасининг ривожланиш самарадорлиги инфратузилма ҳосил қилувчи омиллар таъсири ва иқтисодиётда уни ривожлантириш учун яратилган шароитларга боғлиқ бўлиб, шу билан бирга минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражасини белгиловчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

<sup>84</sup> Руднева, Л.Н.Транспортная инфраструктура региона: понятие и факторы формирования / Л.Н. Руднева, А.М.Кудрявцев // Российское предпринимательство. - 2013. - № 24 (246). - с. 139-144.



**5-расм. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари<sup>85</sup>**

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсади тизимнинг маъмурий-хўжалик вазифаларига, биринчи навбатда экологик, ижтимоий ва сиёсий вазифаларга боғлиқ. Кўпинча ушбу вазифаларни амалга ошириш ва уларга эришиш учун етказиб бериш харажатларини камайтириш, йўловчилар ва юкларни ташибда максимал фойда олиш кабилар старли даражада эътиборга олинмайди. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларини 5-расмда намойиш этилган умумлаштирилган стратегик мақсадлар дарахти тарзида тасаввур қилиш мумкин.

Айтиш лозимки, транспорт инфратузилмасининг минтақа ривожига таъсири ушбу омиллар таъсирида кучайиши ҳам, шунингдек сусайиши ҳам мумкин, шу сабабли уларни ўрганиш нафақат улар ўрнини, ўзига хослигини ва таъсир қилиш йўналишини белгилаб олиш, балки транспорт инфратузилмаси самардорлигининг иқтисодий натижаларини баҳолаш имконини беради.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича олдида қўйилган мақсадларга эришишда кейинроқ уларни амалиётга татбиқ этиш билан стратегик режаларни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг стратегик режалаштириш қуйидаги босқичлар кўринишида

<sup>85</sup> Манба: Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

намоён этиш мақсадга мувофиқ: баҳолаш, вазифани қўйиш, устувор вазифаларни белгилаб олиш ва татбиқ этиш (6-расм).



### 6-расм. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг стратегик режалаштириши<sup>86</sup>

Сўнгти босқич қуидаги йўналишларда инфратузилмани ривожлантиришнинг мақсадли услубларини ишлаб чиқилишни назарда тутади:

юк ва йўловчилар транспортини бошқариш ва инфратузилмани молиявий таъминлаш услублари; ташиш тарифларини молиявий таъминлаш, тарифлар тизими, ташиш нархини тўлаш назорати, маҳсус, юк ва йўловчилар ташийдиган транспорт, шаҳар ва йўловчилар, ҳамда мижозларнинг ўзаро муносабатлари.

Транспорт инфратузилмаси ва харакатни ташкиллаштириш, технология занжири бирлиги: транспорт воситаларини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштиришдан – эксплуатацияга (техник хизмат кўрсатишга).

Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг тавсия этилаётган услублари ва уларга риоя қилиш масъулиятини қонунларда қайд этиш.

<sup>86</sup> Манба: Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Транспорт  
инфратузилмасига  
таъсир кўрсатадиган  
ташқи омиллар**

**Табиий-географик  
омиллар:**  
табиий-иккимий, географик  
ва экологик омиллар

**Иқтисодий омиллар:**  
иқтисодий тизимнинг  
барқарорлиги;  
иқтисодиётни  
монополиядан чиқариш;  
давлат инвестиция ва  
инновация сиёсати;  
институционал  
муҳитнинг самарадорлиги;  
давлат томонидан  
кўллаб-куватлаш.

**Маъмурӣ-қонуний  
омиллар:**  
транспорт  
инфратузилмаси соҳасидаги  
меъёрий-қонуний база;  
қонун чиқарувчи ва  
ижро ҳокимиятларининг  
ташқи ва ички даражалари  
ўртасида иқтисодий  
функцияларни тақсимлаш.

**Мамлакат транспорт  
инфратузилмасига таъсир  
кўрсатиш:**

мамлакатдаги транспорт-  
иқтисодий алоқалар  
хусусиятлари;  
транспорт инфратузилмаси  
таркибий элементларининг ўзига  
хослиги ва нисбати;  
транспорт инфратузилмаси  
элементлари инвестицион  
жозибадорлигини ошириш;  
транспорт инфратузилмаси  
хизматларига бўлган талабни  
кенгайтириш;  
бошчараш тизимини давлат  
иҳтиёридан чиқариш, давлат ва  
хусусий мулкчиликнинг оптимал  
уйғунлигига эришиш ва  
транспорт инфратузилмаси  
субъектлари мотивацион  
хусусиятини ўзgartириш;  
инвестицияларни  
оптималлаштириш ва транспорт  
инфратузилмаси капиталини  
кўпайтириш ва уни янгилаш;  
транспорт инфратузилмаси  
субъектлари орасидаги хўжалик  
алоқаларининг самарадорлиги  
хўжалик айланмаси  
иштирокчиларининг монопол  
ҳаракатларига йўл қўймайдиган  
хукукий меъёларни

**Транспорт  
инфратузилмасига  
таъсир кўрсатадиган  
ички омиллар**

**Худудий:**  
ишлаб чиқаришнинг  
иҳтиёсилашиши;  
иккимий-иқтисодий  
объектларни жойлаштириш

**Иқтисодий омиллар:**  
соҳанинг иккимий-  
иқтисодий ривожланиш  
даражасининг мамлакатдаги  
умумий даражага нисбати;  
мулкчилик шаклларининг  
устуворлиги;  
иқтисодий субъектларнинг  
инвестицион манфаатлари;  
транспорт инфратузилмаси  
хизматлари бозорининг  
сигими ва салоҳияти;  
ишлаб чиқариш ва  
транспорт турлари ўртасидаги  
муносабатларни  
мувофиқлаштирувчи хўжалик  
механизмларини ўзига усугништириш

**Техник-технологик  
омиллар:**  
транспорт инфратузилмаси  
техник-технология  
имкониятларининг йиғиндиси

кatta резервлар мавжуд бўлиши ва мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан кўллаб-куватланиш заруратлари;  
худудий маконнинг иккимий-иқтисодий интеграциялашви;  
қулай инвестицион мухитни ва соҳа имижини шакллантириш;  
трансакцион ҳаражатларни камайтириш, ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, диверсификация ва  
янги неъматлар ишлаб чиқарилишини йўлга кўйиш;  
иқтисодий фаолият даражасини юксалтириш, хусусан худудларнинг хусусий бизнес учун  
жозибадорлигини ошириш ҳисобига транспорт ҳамкорлигининг ривожланганлиги.

**Мамлакат иккимий-иқтисодий ривожланишининг иқтисодий жиҳатлари**

**7-расм. Мамлакат транспорт инфратузилмасининг иқтисодий  
самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омиллар<sup>87</sup>**

Жаҳонда ривожланган мамлакатлар тажрибаси ривожланган транспорт  
инфратузилмасини ташкил этиш транспорт-иқтисодий алоқалар самарадорлиги  
ошиши ҳисобига худудларнинг ресурс, иқтисодий ва иккимий салоҳиятидан  
самаралироқ фойдаланилишига кўмаклашишидан далолат беради. Бу ерда  
“транспорт хабга эга бўлган мамлакат учун транспорт инфратузилмаси нафақат

<sup>87</sup> Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

иқтисодиётнинг боғловчи бўғини, балки мамлакат ҳудудий яхлитлигининг кафолати ҳамдир” деб айтган А.Саматов фикрига қўшилмай иложимиз йўқ.

Тадқиқот вазифаларига боғлик равишда мамлакат транспорт инфратузилмасининг иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар таъсири асослаб, уларни фаолият соҳасига мос тарзда макроиқтисодий тизим даражасида юзага келадиган, ҳамда ички, минтақавий транспорт инфратузилма миқёсида юзага келадиган омиллар сифатида таснифланган. Ички омиллар субъектив кўринишда бўлиб, транспорт инфратузилмаси самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ҳамда мазкур омилларни инфратузилма ҳосил қилувчи деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ (7-расм).

Ташки омиллар эса объектив ҳисобланиб, улар нафақат транспорт инфратузилмаси самарадорлигига, балки минтақа инфратузилмасининг бошқа турларига ҳам билвосита таъсир кўрсатади, шу сабабли уларга иқтисодиётда минтақавий инфратузилмани ривожлантириш шароитлари деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

**Хулоса ва таклифлар.** Бугунги кунда яратилаётган транспорт инфратузилмаси объектлари, биринчи навбатда, минтақанинг транспорт-иқтисодий алоқаларини амалга оширишга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш масалаларига қаратилган бўлиши лозим. Уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кўзда тутмаган ҳолда бу каби объектларни дабдурустдан, бетартиб равишда кўплаб яратиб ташлаш иқтисодиётни кўтариш ва минтақалар ҳаёт даражасини ошириш мақсадидаги транспорт фаолияти самарадорлиги вазифасини ҳал қила олмайди.

Шу сабабли ҳам минтақа, ҳам умуман мамлакат даражасида нафақат ташиш жараёнининг самарадорлигини ошириш, балки улар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини юксалтириш мақсадида самарали транспорт инфратузилмаси шакллантириш зарурати пайдо бўлади. Замонавий талабларга мувофиқ, транспорт инфратузилмасининг самарали ривожланганлиги кўп жиҳатдан минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатади, чунки минтақавий инфратузилма ушбу турининг функционал фаолияти нафақат минтақа иқтисодиёти, балки ижтимоий соҳанинг самарадорлиги билан ҳам ўзаро боғлик. Бунда унинг таркибий қисмлари хусусияти, биринчи навбатда, улар томонидан яратилган маҳсулот солиштирма салмоғи билан эмас, балки исталган минтақада унинг қайта ишлаб чиқариш асосини ташкил қилган асосий ишлаб чиқариш тармоқларида максимал миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳа хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган фаолият билан белгиланади.

Транспорт инфратузилмасининг иқтисодиёт тармоғи сифатидаги ўзига хос хусусияти унинг самарадорлигини оширилиши маълум бир хусусиятларини белгилаб бериши аниқланди:

доимий транспорт инфратузилмаларини нисбатан тез суръатларда барпо этиши зарурияти ҳамда уларнинг қобилиятидан узоқ муддат фойдаланишни тақозо этиши;

йўл-инфратузилмаларининг узоқ муддат эксплуатация қилиниши ва юқори капитал сарфини талаб этиши.

Демак, транспорт инфратузилмаларининг юқори капитал сифими, транспорт тизими учун катта миқдордаги капитал маблағларни жалб этиш заруриятини келтириб чиқаради. Шулардан келиб чиқиб, диссертацияда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда таъсир кўрсатувчи омилларнинг хусусиятлари тавсифи ишлаб чиқилди.

### **Фодаланилган адабиётлар рўйхати**

1. The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>.
2. 1 Максимов, А. Б. Транспортная инфраструктура регионов. / А. Б. Максимов // Известия ИГЭА. - 2007. - №1. - С. 30-33.
3. Семина, И.А., Кустов, М.В. Транспорт в территориальной социально-экологической системе. / И.А. Семина, М.В. Кустов // Актуальные проблемы географии и геоэкологии. - 2009. - № 2. - С. 13-20
4. Саматов Ф.А., Комилжонов Б.И., Галимова Ф.Р. Логистик бошкарув коцепциялари ва моделлари - Тошкент: Фан ва технология, 2015. - 232 б.
5. Зохидов А.А. Марказий осиё транспорт тизимини самарали бошкариш механизмини таккомиллаштириш. Икт. фан. док. ... дис. Автореф., Тошкент 2018.
6. Равшанов М.А. Йул-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти. Муаммо ва ечимлар. - Т.: Узбекистон миллий энциклопедияси, 2012. - 196 б.
7. Рахимов Х.Ш. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш йўллари/Монография. – Т.: "Lesson Press" МЧЖ нашриёти, 2022. 140 бет.
8. Рахимов Х.Ш. Темир йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш. // Иқтисодиёт ва таълим. - Тошкент, 2020. – №1, б.203-209. (08.00.00; №11).
9. Рахимов Х.Ш. Транспорт инфратузилмасини иқтисодий самарадорлигининг назарий асослари. // Бизнес-Эксперт. - Тошкент, 2020. – №3, б.90-94.
10. Рахимов Х.Ш. Темир йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда кластер моделини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги. // Илм-фан ва инновацион ривожланиш. - Тошкент, 2020. – №3, б.31-38.
11. Rahimov H.Sh. Assessment of the Economic Efficiency of Development of Transport Infrastructure // International Journal of Research in Management & Business Studies (IJRMBS 2019). Volume 6, Issue 3 (July-September 2019). Impact Factor (5) GIF – 0.70.